



# Ўзбекистон

ÖZBEKISTON  
ADABIYOTI VA SANATI

1998 йил

# АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ.

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 20 март, № 12 (3448) •

### Шўрм сатр

Қизгалдоқ баргидай учар дилдан ғам,  
Тошқинлар киради қалбимга маним.  
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.

Абдулла ОРИПОВ

## МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Бугун юзларда, кўзларда баҳорий қувонч, дилларда, тилларда янги кун шодиёнаси. Гўёки, олам гўзаллиги Наврўз чиройи ила янада гўзаллашгандек. Ҳа, Наврўз муҳаббат байрами, меҳр-оқибат байрами. Зеро, ушбу айём кунларида кўнгиллар сўралади, одамлар бир-бирларига фақат ва фақат эзгулик тилайдилар. Олам эзгулик нури-ла нурафшон бўлади. Минг йиллар давомида қон-қонимизга, онгимизга синган бу улуг одат инсон умри мазмунини белгиласа, не ажаб.

Республикамизда фуқароларга кўмак беришдек хайри ишлар билан шуғулланётган ташкилотлар, жамғармалар ичида Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳам ўзининг салмоқли ўрнига эга. Жамғарма раисининг биринчи ўринбосари Шухрат ака Пулатов байрам тадориқлари, амалга оширилган ва оширалажак савобли ишлар хусусида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Дарҳақиқат, халқимизда азалдан муҳтож кишилар, ночор оилалар, қариялар, етим болаларга меҳр қўрсатиш, моддий ва маънавий ёрдам беришдек савобталаб ишлар одат тусига кирган. Тарихи узоқ утмишга, минг йилликларга бориб тақалладиган бу одатий ишларимиз айниқса йил боши — Наврўз тантаналари билан жуда гузал уйғунлик касб этади. Чунки эзгулик байрами Наврўз гузал баҳор кунининг қалбига янги, тоза туйғулар, эзгу ҳислар олиб кирилади. Шунинг учундирки, байрам арафасида ва байрам кунларида беморлар, қариялар ҳолидан хабар олишган, ночор оилаларга ёрдам берилган. Ҳар қандай гина-қудуратлар унутилган. Бу бизга ота-боболаримиздан қолган энг муқаддас мерос. Зотан, инсон кунлигини овламоқ энг олий бахтидир.

Бевосита жамғармамиз фаолиятига тухталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, хайрия ишларимиз ҳамми йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, утган — Инсон манфаатлари йилида 18,5 млн. сумлик хайрия тадбирларини амалга оширган эдик. Бу йил эса бу миқдор 30 миллион сумга етади. Мазкур Ойла йили бошиданок бошлаган Наврўз тараддудимиз Республика Қариялар уйи, Тошкент шаҳридаги



111-мактаб ва Жаҳон тиллари институтида шунингдек, 16-17 март кунлари Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида ўтказилган байрам тантаналарида уз аксини топди. Айни байрам кунларида эса Республикаимизнинг барча бурчакларида жамғармамизнинг жойлардаги бўлиmlари томонидан хайрия тадбирлари амалга оширилади. Яқинда бўлиб ўтадиган республика Бадий жамоалари курик-танловини Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказишни ҳам уз буйнимизга олганмиз. Ажратилган мукофотлар — «Энг зур оилавий даста учун» «Тико» автомоби, бошқа голиблар ва совриндорлар учун 1,5 миллион сумлик ютуқлар уз эгаларини кутмоқда. Шу билан бирга, «Инсон манфаатлари учун» деб номланган лотерея уйинларимизнинг 3 ва 4-босқичлари муваффақиятли ўтмоқда. 200 миллион сум миқдорда чиқарилган бу лотереянинг 50 фоизи ютуқлар бўлиб, уч хил русумдаги 20 та автомобил, иккита ҳовли-жой, 4 та икки хонали ва 4 та уч хонали квартиралар ҳамда бошқа қимматбаҳо буюм-ютуқлар омадли лотерея соҳибларига мунтазир. Уйлайманки, бу ҳам кишиларимизга меҳр-саховат қўрсатиш, моддий кўмак бериш каби миллий ва умуминсоний қадриятларимизни камол топтиришда катта рол ўйнайди.

Президентимиз уз нутқларидан бирода «Савобли ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак», деган эдилар. Сузим сунгида ўртоқларимизни улуг Наврўз айёми билан муборакбод этаман.

К. ОЛЛОЁРОВ ёзиб олди

### Шеърлий даҳза

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

#### БАҲОР АЙЁМИДУР...

Баҳор айёмидур даги йигитликнинг авонидур,  
Кетур, соқий, шароби ноқим шират замонидур.

Ғаҳе сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Ғаҳе саҳни чаман гул чехрасидин аргувонидур.


Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранг гуллардин,  
Магарким сунъинг наққошига ранг имтихонидур.

Юсунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони

Бобурнинг,

Ғарибингга тараххум айлагилким, анда жонидур.



С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳалари.

## УЙҒОНИШ ФАСЛИ

Она табиатнинг уйғониш фасли, фаслларнинг келинаги бўлиб баҳор, энг аввало, узнинг Наврўз айёми билан гузал. Бу айём она халқимизнинг ҳаётга, табиатга меҳр-муҳаббати, орзу — ниятларининг беғубор ва буюклиги билан қадри.

Бугун овоз Ватанимизнинг қайси бир манзилга борманг Наврўз байрами тараддудини қурасиз. Яшарий фаслнинг буюк давлаткор қудратини, ҳосиятини қурасиз. Сулим Фарғонанинг шаҳру қишлоқларидан Жайхун соҳилларидаги Хоразму қорақалпоқ диверига қадар, Боботоғу Бойсунтоғ бағридаги Сурхон кенгликларидан тортиб, мамлакат пойтахтига қадар ҳар бир гушада, ҳар бир қадамда Наврўз нафосини ҳис этасиз.

Наврўз бир даредан сув ичиб, бир осмон остида бақамти яшаётган эл ва элларнинг энг соғинчи байрамидир. Кунги кеча шундай шодиёнлардан бири Қашқадарё вилоятининг кўшни турман диверига туташ Усмон Юсулов туманида ҳам бўлиб ўтди. Қарши даштининг қоқ марказида Гафур Гулом юмийдаги жамос ҳужайли ҳудудидида Сечан кулига туташ Чилвио чулдаги ташкил этилган Наврўз сайлига вилоятнинг барча туманларидан меҳнатқашлар вакиллари, шунингдек, кўшни Туркманистоннинг Лебят вилоятидаги кўлаб туманлар ва ҳужайликларнинг раҳбарлари, юрт оқсоқоллари ташриф бурдилар. Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Пармонов туркманистонлик меҳмонларни, кулмам сайлига йиғилган эл-улусни, уст-та повонлар, моҳир чавандозлар, қизилқорлар, санъаткорларни савимий кутлади. Юртимизда ҳўкм суратган тинчлик ва оқсоқиллик ҳалқимизнинг улуг бунёдкорлик қудратини намоян этишида муҳим омили булартағиллини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, утган йили вилоят ахли асосий зироатчилик неъматлари бўлимиш галла ва пахта этиштиришда мамлакатда олдинги марралардан бирини эгаллади. Халқ турмушида, саноат ишлаб чиқаришда, мустақиллик даври тақозо этаётган иқтисодий ислохотларни рубўга чиқариш борасида ҳам юзлари ёрудир. Вилоят ҳокими алоҳида таъкидлаб утган яна бир янгиликни ҳам айтиш керак. Сунги йилларда Қашқадарёда темир йўли болар ва оромгоҳлар бунёд этишга алоҳида аҳамият берилди. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги нишонланган йили яхши аниъаналар айланган бу тадбир ҳар йили куз ва баҳор фаслида давом этирилимоқда. Шу йилнинг бошида эса вилоятда олтимишта янги боғ ташкил этишга киришилди. Барча туманларнинг эл-улуси, меҳнат жамоаласи, юрт оқсоқоллари боғзорлар бунёд этишга катта иштиёк билан киришиб кетдилар. Халқимиз «Яшидлик қоқ қолади» деб беҳиз қилган. Ҳозир айни Наврўз айёми — қўлам фаслида юртимизни янги боларга бурқаш, боғ яратиб, узидан яхши ном қолдириш ишлари авжди.

Икки кўни-кўшни, дўст — биродар халқ вакилларининг Наврўз сайли жуда куй-қушиқлари янгради. У қадим — қадимдан халқимизнинг турмуш тарзида, урф — одатларида яшаб келатган эди. Мустақиллик йилларида эса мустақил тўзум дарвида унутилай-унутилай деб қолган бебаҳо удумларимиз бронили йилларнинг чанг ва губорларидан тозаланиб, уларга қайтадан ҳаёт бахш этилди. Ушбу Наврўз сайлида қўлам утган спортчиларнинг мусобақалари, повонларнинг беллашуви уста чавандозлар ва энди аргумокларини даврга солган ёш йилларнинг кўнари мусобақаси минг-миңлаб одамларнинг кўнглига ҳаяжон ва гурур бахш этди.

Наврўз шодиёнлари мамлакатимизнинг барча бурчакларида ана шундай зур завқ ва шавқ билан бошланди. Эртага мамлакат пойтахтида ўтадиган катта Наврўз тантанаси эса овозлик шарофати билан қаддини кутарган, буюк келажакка пойдевор қўяётган, истиқлол йўлидаги алп қадамлари билан жаҳон узра буй курсатаётган она Ўзбекистониимизнинг иқболи ва истиқболига бир қузу бўлиши шубҳасиз.

## ЯНГИ КУН ЮМУШЛАРИ

Бизга аждодларимиздан мерос қолган аниъаналарга Наврўз байрами 21 март кўни нишонланади. Бирок Наврузни кўтиб олишга руҳий тайёргарлик жараёни кишилар кўнгида анча илгари бошланади. Табиат узаришлари фақат табиатнинг узидигина эмас, инсоннинг онгу шуурида, жисмоний ва руҳий табиатида ҳам кечавтган бўлади. Маънавий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан бу кунга ҳеч ким кечикмайди. Ҳамма очик кўнгли, яшанган чехра, дарактлардай безанган либослар билан янги кунга лешвоз чиқади. Юракларда меҳр этилади, сезгилар бирданга носизлашади, ҳар қачонгидан қўра фаолроқ ишлайди, киши кайфиятидаги ҳорғинлик, асабийлик ўрнини уз-узидан ҳуш-вақтлик эгаллайди. Наврузда фақат кун ва тун тенглиги эмас, балки табиат ва руҳият тенглиги, инсоният тенглиги ҳам юз курсатади. Бу кунда одамлар бой ва камбағал, зо-

лим ва мазлум тоифаларга бўлинганлигини эсдан чиқаришган. Инсонлар уртасидида зиддиятлар, аразлар ва гина-қудуратлар унутилган, урушлар тўхтатилган. Шунинг учун Навруз меҳр-оқибат, тенглик ва биродарлик байрами дея аталган.

«арафа» деб атайдиган бўлсак, Навруз арафаси кунлари Тошкент давлат 2-тиббевит институтининг 2-шифохонаси шифокорлари фаолиятида узига хос мазмун касб этди. Шифокорларнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ижодий жамоаси билан Наврузга бағишлаб ўтказган учрашувида бунга ишончи ҳосил қилдик.



Давоми иккинчи бетда



### ЛОҚАЙДЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Яқинда ишонамиз жамоаси билан маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариш мақсадида Тошкентнинг энг мухташам санъат даргоҳларидан бири — Халқлар дусллиги саройига боришга қарор қилдик. Уша кўни машҳур кулги устаси Ҳожибой Тожиев ва ёш эстрада хонандаси Кароматхон Худойбердиева ижро этган ичак узилди хангомалар ҳам-

да дилбар қўшиқларни тинглаб гоятда завқландик. Томошадан кўнглимиз тўлди. Санъаткорларимизга дилдан миннатдорчилигимизни изҳор этдик.

Аммо... Ана шу «аммо» дейдиган ҳолатни қуриб кўнглимиз ранжиди. Не қуа билан қурайликки, томоша учун сотилган чипталарда ҳамон «Дворец Дружбы народов СССР им. В.И.Ленина» деган

### Луқма

ёзувлар. Ё тавба, дея ёқа ушладик. Ахир, она тилимиз — узбек тилига давлат тили мақоми берилганига яқинда туққиз йил тўлса-ю, утган шунча фурсат ичида бу даргоҳ раҳбарияти битта чиптасини янгилашга вақт тополмаган бўлса!

Усарали НИШОНОВ, журналист

### САНЪАТ МУЗЕЙИДА КЎРГАЗМА

Маълумки, маънавий ҳаётимизда тасвирий санъат иттиҳоти урин тутуди. Бу ажиб санъатимиз тарихи узоқ утмишмида дахлдор эканлиги-да ҳеч кимга сир эмас. Халқимиз азал-азалдан унинг суоқли фарзандлари — жаҳон тасвирий санъатига катта ҳисса қўшган буюк санъаткорларидан нафақат фаҳр-ифтихор этган, балким, уларни азиру мухтарам деб билгани ҳам ҳақиқат.

Яқинда биринчи узбек аёл рассоми, ёрқин истевод соҳибаси Шамсирой Ҳасанованинг республика Давлат музейида очилган кўргазмаси бунинг исботи бўлди. Шайхонтоҳур яқиндаги Зебинисо Бегим номи узбек қизлари мактабининг қалдириқларидан бўлган Шамсирой Ҳасанова оддий экскурсиячиликдан то музей раҳбарига қадар бўлган қизгин иш фаолияти давомида ижодий изланишдан тухтамаган, кўлаб аjoyиб портрет ва этюдлар яратган эди. Кўргазмадан жой олган «Тоғ манзараси», «Баҳорги ишлар», «Самарқанд», «Регистон майдони», «Эски шаҳар» каби гузал санъат намуналарига томошабинни узоқ уй-ҳайларга етаклайди. Бир зум бўлса-да, вақт макон тушунчаларидан галиб келасиз-да, бой тарихимиз билан сузасиз сузашасиз, гузал табиат кучида яйрайсиз...

Расмом ижодининг бош бугинини ташкил этган таниқли узбек аёллари — Нодира, Увайсий, Зебинисо Бегим, Мўтрибаларнинг гузал портретлари сизни бефарқ қолдирмайди. Зеро, улардаги аjoyиб ранглар жиҳоси кишини узига оҳанграбо нисол ошуфта этди.









# Кўнгул боғларида гул очар Наврўз



Бор-хо,  
Кел-хо,  
Ҳамалим, ҳа-ҳа,  
Амалим, ҳа-ҳа.

Сайл бейда,  
Ўтирма уйда.  
Ўйнагани кел,  
Бўйлагани кел.  
Кулишгани кел,  
Тўлишгани кел.  
Беллашгани кел,  
Эллашгани кел.  
Келмасанг ҳам  
кел-о-ооо...  
Эл-о-ооо...

Бор-хо,  
Кел-хо,  
Ҳамалим, ҳа-ҳа,  
Амалим, ҳа-ҳа.  
Сайл бўтга,  
Ўтирма ўтга,

Отда чопиб кел,  
Жойни топиб кел,  
Кувнашгани кел,  
Кувлашгани кел,  
Келмасанг ҳам  
кел-о-ооо...

Эл-о-ооо...

Бор-хо,  
Кел-хо,  
Ҳамалим, ҳа-ҳа,  
Амалим, ҳа-ҳа.  
Бугдой тўлсин уйингга,  
Бўй кўшилсин бўйингга.  
Сайл бунда,  
Ўтирма унда.  
Диллашгани кел,  
Сирлашгани кел.  
Келмасанг ҳам кел-о-ооо...  
Эл-о-ооо...

## Сумалак — ўттиз малак

Сумалак — биби Фотиманинг ошлари экан. Бир кун у кишининг болалари оч қолишибди. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ўшанда қиш чиқиб энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтараётган маҳал экан.

Биби Фотима ҳовлининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар. Қарасалар, ўша кўкариб, майсалаб қолибди. Дарров шу майсадан ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиқим унни ҳам кўшиб, яхшилаб аралаштириб, устидан сув куйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни қовлаб ўтирганларидан кейин ўғилларига кўшилиб биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта қовлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун ҳам бу таомнинг номи сумалак — ўттиз малак бўлиб қолган экан.



С. МАҲКАМОВ суратга олган

Аравада онаси,  
Лақашиқилдок.  
Қорнида боласи,  
Лақашиқилдок.  
Эл оғаси бойтеват,  
Лақашиқилдок.  
Салласи бошда сават,  
Лақашиқилдок.  
Бойбува гўшна банги,  
Лақашиқилдок.  
Чоракорлари ханги,  
Лақашиқилдок.  
Бойбуванинг қизлари  
Лақашиқилдок.  
Гўрага бошқоронги,  
Лақашиқилдок.  
Тебранади-ё,  
Тебранади.

От қочирдим олисан,  
Лақашиқилдок.

Ёпиқлари кумушдан  
Лақашиқилдок.  
Сумалак еб бой бува,  
Лақашиқилдок.  
Бош кўтармас болишдан,  
Лақашиқилдок.  
Қовлисида хандалак,  
Лақашиқилдок.  
Банд(ин) бериб пишибди,  
Лақашиқилдок.  
Ҳеч кимига егизмай,  
Лақашиқилдок.  
Бари ичи тушибди,  
Лақашиқилдок.  
Хасис кўнглида ҳасад,  
Лақашиқилдок.  
Ёрилсин боғлаб посод,  
Лақашиқилдок.  
Араваси ларзон,  
Кетди моли арзон,  
Тебранади-ё,  
Тебранади!



## Наврўз олқими

Кексаю ёш-яланглар —  
Ўчоққа ўт қаланглар.  
Юртимиз чаман бог  
бўлсин,  
Ризқ-рўзимиз тоғ бўлсин.  
Юртбошимиз омон  
бўлсин,  
Янада ҳур замон бўлсин.

Эски йил кетди,  
Янги йил келди.  
Эскисини кузатамиз,  
Янгисини тузатамиз.  
Дастурхонлар ёзилсин,  
Дошқозонлар қурилсин,



Лолачага ишим бор, ҳей лола,  
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола,  
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола,  
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Том устида пиёла, ҳей лола,  
Ичи тўла гул лола, ҳей лола,  
Нари туринг бўз бола, ҳей лола,  
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,  
Ўрдак билан гозлар бор, ҳей лола,  
Ўрдак кетиб гоз қолсин, ҳей лола,  
Душман кетиб дўст қолсин, ҳей лола,

Югур-югур мен турай, ҳей лола,  
Бошингни гулга ўрай, ҳей лола,  
Сенга келган балога, ҳей лола,  
Ўзим кўндаланг бўлай, ҳей лола.

## Наврўз кўшиғи

Наврўз келди кўраин,  
Қизил гуллар терайин.  
Қизил гулга ярашган  
Бўйдош олиб берайин.

Қизил-қизил қиялар,  
Қийғир анда уялар.  
Қадрин билмас нодонлар  
Қизил гул деб қуярлар.

Ҳаво ёғди, дим бўлди,  
Эшик очган ким бўлди?

Наврўз дея оламга  
Бағир очган ким бўлди?

Эй кўзлар, қаро кўзлар,  
Осмондаги юлдузлар.  
Тошларга ҳам тил битди,  
Келаётир наврўзлар.

Нур ёғсин қошингиздан,  
Ҳам тоғу тошингиздан.  
Хумо қушлар айлансин  
То абад бошингиздан.

## Наврўз ёр-ёр

Келинчакнинг йўлига  
Гуллар сочай, ёр-ёр,  
Суйганимга кўнглимни  
Бугун очай, ёр-ёр.  
Шунда олам мунаввар  
Бўлғусидир, ёр-ёр,  
Севишганлар муродига  
Етгусидир, ёр-ёр.



Рассом Н. НУРМОНОВ

— Алижон, ҳо Алижон!  
— Лаббай!  
— Сумалак сайлига келган киши сал очилиб ўтиради. Жа ўйланиб қопсиз. Бу бошми ё куда томондан келган тоғорами?  
— Валижон, ҳо Валижон!  
— Лаббай!  
— Ҳали пишмаган сумалакдан роса яляпсиз-да. Бу қоринми ё бешик тўйдаги ногорами?

— Алижон, ҳо Алижон!  
— Лаббай!  
— Қозонга яқин ўтириб анча очилиб кетибсиз. Бу — қошингиз қаросиму ё қозоннинг қуясими?  
— Валижон, ҳо Валижон!  
— Лаббай!  
— Ўзингиз ҳам ўчоқбошидан кетмай қолдингиз. Ўзингиз кип-қизил, қараган одамнинг суқи кира-

ди-я. Бу бурунми ё пўстакнинг тешигими, войвояннинг уясими? дейди-да.

— Валижон, ҳо Валижон!  
— Лаббай!  
— Кўзим пирпирётгани рост. Аммо ўзлариям анчадан бери сумалак емаган қараб оғзингиз ланг очилиб қолди-я. Билмаган одам бу — оғизми ё Метронинг эшигими, дейди-да

— Алижон, ҳо Алижон!  
— Лаббай!  
— Сумалак пиширишга келган одам елиб-югуриб хизмат қилади. Ўтин ёринг десак, болтанинг сопи калта экан, деб баҳона қилдингиз. Энди бўлса оёгингизни осмонга қилиб ётибсиз. Билмаган одам Алижон Сумалакдан қочди, дейди-да.

— Валижон, ҳо Валижон!  
— Лаббай!  
— Ишдан қочмаймиз. Аммо сизга сал тушунмай турибман-да. Сумалакка ҳамма бир ўзи келса сиз бутун маҳаланинг бола-чақасини йиғиб кепсиз. Қаранг, атрофингизда гуж бўлиб ўтиришибди. Билмаган одам Валижон сумалакнинг тафтида жўжа очганми, дейди-да...



## Муълорим

Бул сағрингга қарайман,  
Куёвли қиз ёттидай,  
Бурнингдан чикқан дамингга  
Каррак босса ёнгидай,  
Кулоғинг орасидан  
Кўш тегирмон ўттидай.

Ундан учди бедана,  
Бундан учди бедана.  
Савзига тушди бедана,  
Савзи санок бедана.  
Мушук балони есин,  
Ўзимга лойиқ бедана.  
Қозонда қайнар бедана,  
Чўмичда ўйнар бедана.

Яхши отга арпа бериб,  
Пойгага чопсам, бедана.  
Ёмон отга кепак бериб,  
Сўқимга сўйсам, бедана.  
Яхши қизга новвот бериб,  
Бетидан ўпсам, бедана.  
Ёмон қизга қирмоч бериб,  
Бахридан ўтсам, бедана.

Бали-бали болинг бор,  
Минг туморли норинг бор.  
Жасоратингга қарайман,  
Чопадиган ҳолинг бор.

Бурни катта дамламас,  
Пой қадами емламас,  
Қирқ кун чопсанг, жонивор,  
Чирчилигинг терламас.

Бул Наврўзда кўпқари,  
Чу, жонингди тулпори,  
Айирасан улоқни  
Ўн минг отдан илгари.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-  
МАТБАА КОНЦЕРНИ



Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона телефони — 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ  
Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган кўлаёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Камол ОЛЛОЕВОВ

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ

СОТУВДА  
НАРХИ  
ЭРКИН